# Тошкент оқшоми

2016 ЙИЛ 23 СЕНТЯБРЬ, ЖУМА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 198 (13.261)

Баҳоси эркин нархда


## ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев 22 сентябрь куни Қозоғистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Асқар Маминни қабул қилди.**

Учрашувда Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг жорий йил 12 сентябрь куни Самарқанд шаҳрига ташрифи чоғида эришилган келишувларни амалга ошириш, ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий алоқаларни янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини, биринчи навбатда, мамлакатларимизда янги бозорлар ташкил этиш ҳисобидан ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Икки мамлакат экспертлари томонидан тайёрланган, рақобатдош саноат маҳсулотлари сотадиган қўшма савдо уйларини ташкил этиш, савдо лойиҳаларини миллий банк-молия институтлари орқали қўллаб-қувватлаш, божхона хизматлари ҳамкорлигини фаоллаштириш, бизнес форумлар ўтказиш ва ўзаро ташрифларни амалга оширишга қаратилган қатор таклиф ва аниқ чора-тадбирлар кўриб чиқилди ва маъқулланди.

Транспорт ва транзит ташиш соҳасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни изчил давом эттириш, жумладан, экспорт юкларини ташишда икки томонлама тариф преференциялари бериш ва янги қўшма лойиҳаларни амалга ошириш зарурлиги таъкидланди. Бу минтақавий транспорт йўлакларининг рақобатдошлигини ошириш ва уларнинг юқори самарадорлигини таъминлаш имконини беради.

Асқар Мамин самимий қабул учун миннатдорлик изҳор этиб, Қозоғистон Республикаси мамлакатларимиз ўртасидаги кенг кўламли ва ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий алоқаларни янада кенгайтиришга қаратилган ҳамкорликдаги чора-тадбирларни амалга оширишга тайёр эканини билдирди.

**ЎзА**

## САМИМИЙ ҚУТЛОВ

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Суньҳ Лицзе билан учрашув бўлиб ўтди. Элчи Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин Жаноби Олийларининг мамлакатимиз раҳбариятига йўллаган қутлов мактубини топширди.

Мактубда шундай дейилади:

**Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига**

**Жаноби Олийлари!**

Хитой ҳукумати ва халқи, шахсан ўз номимдан Сизга Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажариш юклатилганлиги муносабати билан Сизни самимий табриклашга рухсат этгайсиз.

Хитой – Ўзбекистон муносабатларини бундан буён ҳам изчил ривожлантириш борасидаги қатъий саъй-ҳаракатлар ва эзгу мақсадлар баён қилинган мактубингиз учун Сизга миннатдорлик билдираман. Мен Хитой ва Ўзбекистонни доимо яқин қўшни, яхши дўст ва ҳар томонлама ишончли стратегик шериклар, деб биламан. Сўнгги йилларда биргаликдаги саъй-ҳаракатлар туфайли ўзаро ҳамкорлигимизнинг барча соҳалари жадал ривожланмоқда ва натижада қатор улкан ютуқларга эришилди.

Айни пайтда халқаро ва минтақавий вазият мураккаб ва ўзгарувчан бўлиб, Хитой ва Ўзбекистон олдида умумий манфаатларимизни таъминлаш йўлида таҳдидлар кучайиб бормоқда. Хитой Ўзбекистон халқи танлаган йўлни ҳурмат қилади, мамлакатингизнинг ўзига хос тараққиёт йўлини қатъий маъқуллайди. Ўзбекистоннинг халқаро ва минтақавий масалаларда янада мустаҳкам ўрин эгаллашига интилишини қўллаб-қувватлайди.

Шу йилнинг июнь ойида Бухоро шаҳрига ташрифим давомида менга ҳамроҳлик қилганингизни яхши эслайман. Хитой – Ўзбекистон муносабатларини ривожлантиришга катта эътибор қаратаман ва Сиз билан яқин алоқаларни сақлаган ҳолда, давлат суверенитетини ҳимоя қилиш, хавфсизлиги ва тараққиётини таъминлаш, "Бир қутб, бир йўл"ни биргаликда барпо этиш асосида серқирра амалий ҳамкорликни мустаҳкамлаш, шунингдек, Хитой – Ўзбекистон муносабатларини мамлакатларимиз ҳамда халқларимиз фаровонлиги йўлида ҳар томонлама стратегик шериклик даражасига кўтариш мақсадида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш ва бошқа халқаро ташкилотлар доирасида ўзаро мувофиқлик ва ҳамкорликни кучайтириш масаласида бир-биримизни қўллаб-қувватлашга доимо тайёрман.

Сизнинг давлатчилик фаолиятингизга улкан муваффақиятлар тилайман!

**Си ЦЗИНЬПИН,**
**Хитой Халқ Республикаси Раиси**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*Ф А Р М О Н И*

## РИО-ДЕ-ЖАНЕЙРО ШАҲРИДА БЎЛИБ ЎТГАН XV ЁЗГИ ПАРАЛИМПИЯ ЎЙИНЛАРИДА ЮҚОРИ НАТИЖАЛАРГА ЭРИШГАН СПОРТЧИ ВА МУРАББИЙЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда спорт соҳасини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар ва яратилган қулай шарт-шароитлар натижасида спортчиларимиз томонидан улкан ютуқлар қўлга киритилаётганлиги, айниқса, Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтган XV ёзги Паралимпия ўйинларида Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари жасорат ва матонат намунасини кўрсатиб, юксак натижаларга эришганлиги ва дунёнинг энг кучли давлатлари қаторидан муносиб ўрин эгаллаганлиги ҳамда Ватанимизнинг жаҳон миқёсидаги шон-шуҳратини юксалтиришга салмоқли ҳисса қўшганлиги, юртимизда спортни кенг оммалаштириш, ёш авлодни миллий ғурур ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишларидаги катта хизматлари учун қуйидагилар фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирлансин:

### "Ўзбекистон ифтихори"

**Амилова Фотимахон Равшанбек қизи** – Сузиш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси

**Каюмова Нозимахон Номонжоновна** – Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси

**Мусабеков Фирдавсбек Улуғбек ўғли** – Сузиш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси

**Намозов Шерзод Насимович** – Дзюдо бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси

**Нигматов Уткиржон Исматилло ўғли** – Дзюдо бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси

**Норбеков Хусниддин Киличбоевич** – Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси

**Свечников Александр Владимирович** – Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси

**Тулендибаев Адилжан Ришатович** – Дзюдо бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси

### "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози"

**Абдуллаев Нодирбек Баходиржанович** – Сузиш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси мураббийи

**Абдухоликов Сардор Абдухоликович** – Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи

**Амилов Равшанбек Кабилджанович** – Сузиш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси мураббийи

**Саидов Расул Рузиевич** – Дзюдо бўйича Ўзбекистон терма жамоаси мураббийи

**Свечникова Елена Юрьевна** – Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон терма жамоаси мураббийи

**Тўраев Шухрат Жўраевич** – Дзюдо бўйича Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи

**Халиков Илхом Нуриллаевич** – Дзюдо бўйича Ўзбекистон терма жамоаси мураббийи

**Шишков Игорь Геннадьевич** – Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон терма жамоаси мураббийи

### "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи"

**Алимова Ҳайитжон Абдулла қизи** – Дзюдо бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси

**Бурханова Сафия Каимовна** – Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси

**Одилова Муслима Улуғбек қизи** – Сузиш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси

**Паньков Кирилл Дмитриевич** – Сузиш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси

### "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси"

**Усманов Мираброр Зуфарович** – Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси президенти

### "Дўстлик" ордени билан

**Амилов Рустамжон** – Сузиш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси мураббийи

**Ахматджанов Умид Махаматджанович** – Ўзбекистон Паралимпия ассоциацияси раисининг ўринбосари

**Бучинцев Олег Сергеевич** – Дзюдо бўйича Ўзбекистон терма жамоаси мураббийи

**Исроилов Шаакрам Халматович** – Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти ректори, Ўзбекистон терма жамоасининг комплекс илмий гуруҳ раҳбари

**Лисовская Людмила Венидиктовна** – Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи

**Нуруллаев Кахраман Олимович** – Дзюдо бўйича Ўзбекистон терма жамоаси мураббийи

**Паньков Дмитрий Владимирович** – Сузиш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси мураббийи

### "Жасорат" медали билан

**Абдирашидов Мансур Самат ўғли** – Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси

**Бобоев Шухрат Шоназарович** – Дзюдо бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси

**Бозоров Аҳрор Ботирович** – Пауэрлифтинг бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси

**Ибрагимов Сервер Юсуфович** – Ўқ отиш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси

**Нурметова Турсунпашша Бахрамовна** – Дзюдо бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси

**Рахимова Гулрух Илхамбековна** – Дзюдо бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси

**Сайидов Феруз Бешимович** – Дзюдо бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси

**Салаева Севинч Одамбой қизи** – Дзюдо бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси

**Салиев Дониёр Нурулла ўғли** – Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси

**Сахатов Миран Мирюнусович** – Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси

**Тошпулатова Шохсанамхон Дилшодбек қизи** – Сузиш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси

**Турсунхўжаев Музаффар Шухратилло ўғли** – Сузиш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси

**Хамраев Фахриддин Фарходович** – Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси

**Хорлин Дмитрий Сергеевич** – Сузиш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси

**Шарипов Ширин Хомитович** – Дзюдо бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси

### "Шуҳрат" медали билан

**Амирова Замира Шамильевна** – Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон терма жамоаси мураббийи

**Гафуров Омон Файзуллаевич** – Ўзбекистон Паралимпия ассоциацияси бош котиби

**Ефимова Наталья Алексеевна** – Ўқ отиш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи

**Жураев Барно Тураевич** – Дзюдо бўйича Ўзбекистон терма жамоаси мураббийи

**Ибрагимова Альфия Гиласдиновна** – Дзюдо бўйича Ўзбекистон терма жамоаси мураббийи

**Казакова Анна Валерьевна** – Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон терма жамоаси мураббийи

**Лутфуллоҳ Хожи ўғли Саъдуллахон** – Сузиш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи

**Пак Ирина Вячеславовна** – Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон терма жамоаси мураббийи

**Сайидов Шамсиддин Бешимович** – Дзюдо бўйича Ўзбекистон терма жамоаси мураббийи

**Умирзоқов Фазлиддин Абдулбоқиевич** – Пауэрлифтинг бўйича Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи

**Файзиев Тахир Хикматуллаевич** – Дзюдо бўйича Ўзбекистон терма жамоаси мураббийи

**Хорлин Сергей Федорович** – Сузиш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси мураббийи

**Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи**
**Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2016 йил 22 сентябрь*

## ПАРАЛИМПИЯ ЎЙИНЛАРИ ҒОЛИБ ВА СОВРИНДОРЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

***Жорий йилнинг 7-18 сентябрь кунлари Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтган XV ёзги Паралимпия ўйинларида Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган спортчиларимиз 8 олтин, 6 кумуш ва 17 бронза медални қўлга киритди.***



Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Ш.Мирзиёевнинг 2016 йил 19 сентябрдаги Фармойишига мувофиқ Паралимпия ўйинларининг ғолиб ва совриндорлари пул мукофотлари ҳамда барча қатнашчилари Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси ҳузуридаги Олимпиячиларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан сотиб олинган "Malibu" маркали енгил автомобиль билан тақдирланди.

*(Давоми 2-бетда)*

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● **Гулистон шаҳар кўп тармоқли марказий поликлиникаси реконструкция қилиниб, аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш учун замонавий шароит яратилди. Гулистон шаҳар кўп тармоқли марказий поликлиникасини реконструкция қилиш, замонавий тиббий ускуналар билан таъминлашга 1 миллиард 311 миллион сўм маблағ сарфланди. Рентген, флюорография, УЗИ, ЭКГ каби диагностика воситалари аниқ ташхис қўйиш, касалликни эрта аниқлаш ва соғломлаштириш имконини янада кенгайтиради.**

● **Сирдарё вилоятида Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан "Электрон ҳукумат" тизимини ривожлантириш маркази ташаббуси билан маҳаллий давлат бошқаруви органлари ҳамда компьютерлаштириш марказлари раҳбарлари учун очиқ маълумотларни шакллантириш бўйича видеосеминар ташкил этилди.**

● **Жиззахда халқ депутатлари вилоят Кенгашининг 14-сессияси ўтказилди. Сессияга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари, шаҳар, туманлар ҳокимликлари ташкилий-назорат гуруҳи раҳбарлари, вилоят бошқарма, ташкилот раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари таклиф этилди.**

● **2016 йилги Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркаси доирасида "Поедем, Поедим!" дастурининг суратга олиш гуруҳи Ўзбекистон ҳақида иккинчи кўрсатувни тасвирга олади. "Ўзбектуризм" миллий компанияси матбуот хизмати хабарига кўра, бу сафар дастур Тошкент ва Хоразм воҳаларига бағишланади.**

### ЖАҲОНДА

● **Қадимшунослар Япониянинг Окинава оролида балиқ тутишга мўлжалланган дунёдаги энг қадимий илмоқларни топишди. Олимларнинг тахмин қилишича, илк одамлар Окинавада бундан 30 минг йил бурун кўним топган.**

● **Жанубий африкалик тадбиркор Ричард Хардиман денгиз портларида чиқиндиларни йиғадиган мустақил ҳаракатланувчи қайиқ ихтиро қилди. Хардиман лойиҳаси Нидерландиянинг портларни технологик ривожлантириш дастурига киритилди.**



# ПАРАЛИМПИЯ ЎЙИНЛАРИ ҒОЛИБ ВА СОВРИНДОРЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Пойтахтимиздаги "Олимпия шон-шуҳрати" музейида 22 сентябрь куни спортчиларимизни тақдирлашга бағишланган маросим бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси раиси М.Усмонов ва бошқалар Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов раҳнамолигида спортни ривожлантиришга қаратилган эътибор ва ғамхўрлик ёшларимизнинг нуфузли мусобақаларда муносиб қатнашиши, иқтидор ва салоҳиятини намоён қилиши, Ватанимиз обрўсининг халқаро майдонларда янада юксалишида муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

Бу Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтган XV ёзги Паралимпия ўйинларида яна бир карра ўз исботини топди. Спортчиларимиз мазкур нуфузли мусобақада улкан ғалабаларга эришиб, Ўзбекистон ёшлари матонат ва жасорат бобида ҳеч кимдан кам эмаслигини ва ҳеч қачон кам бўлмаслигини намоён қилди.

– Паралимпия ўйинларида ғалаба қозонишни ўз олдимга мақсад қилиб, бу йўлда тинимсиз ҳаракат қилдим, – дейди Одилжон Тўлендибоев. – Ниятимга етганимдан, нуфузли мусобақада Ватанимиз байроғини баланд кўтариш насиб қилганидан жуда бахтиёрман. Халқаро майдондаги бундай юксак ғалабаларимиз мамлакатимизда биз, ёшларнинг бахтли ҳаёт кечиришимиз, таълим-тарбия олишимиз, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишимиз, иқтидор ва салоҳиятимизни намоён этишимиз учун яратилган кенг имкониятлар туфайлидир.

– Биз, спортчиларга юксак ишонч билдиргани ва камтарона меҳнатимизни юқори баҳолагани учун халқимизга, давлатимизга миннатдорлик билдирамиз, – дейди Нозимахон Қаюмова. – Бу янада олға интилишимиз учун катта туртки бўлади.

– Ғалабамиз шарафига Ватанимиз байроғи кўтарилиб, мадҳиямиз баралла янграганидан фахрланамиз, – дейди Фирдавсбек Мусабеков. – Зеро, мустақил Ўзбекистонимиз, озод ва обод, гўзал ва бетакрор юртимизни ҳар қанча шарафласак кам. Келгусидаги нуфузли мусобақаларда, жумладан, 2020 йили Токиода ўтадиган XVI Паралимпия ўйинларида ҳам Ватанимиз шаънини муносиб ҳимоя қилишга ваъда берамиз.

Фармойишга мувофиқ, мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, ёшлар ўртасида Паралимпия ҳаракатини тарғиб этишдаги фаол иштироки, Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтган XV ёзги Паралимпия ўйинларида муносиб иштироки, жасорат, матонат ва мардлик намунасини кўрсатиб, юртимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ва нуфузини янада юксалтиришга салмоқли ҳисса қўшгани учун спортчиларимиз бир йўла тўланадиган пул мукофоти билан тақдирланди.

Паралимпия ўйинларида иштирок этган спортчиларимизнинг барчасига "Malibu" автомобили топширилди.

Ўзбекистон Паралимпия ассоциацияси раисининг ўринбосари У.Аҳмаджонов, Ўзбекистон халқ артисти Ё.Аҳмедов ва бошқалар спортчиларимизни Паралимпия ўйинларидаги юксак муваффақияти билан табриклаб, бу ютуқлар замирида мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар мужассам эканини таъкидлади ва уларга келгуси нуфузли мусобақаларда омад тилади.

Ғолиб ва совриндорлар номидан сўзга чиққан Ф.Омилова, Ф.Саидов, М.Сахатов халқимизнинг ишончи, давлатимизнинг ёшларга қаратаётган юксак эътибор ва ғамхўрлиги учун миннатдорлик билдирди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Икромов сўзга чиқди.

**Байрам АЙТМУРОДОВ,**
**ЎзА мухбири**

**АКТ ҳафталиги**

# ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ БЎҒИНИ

***Пойтахтимиздаги "Кўргазма савдо маркази"да ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги доирасида ўтказилаётган "ICTExpo – 2016" ахборот технологиялари кўргазмаси очилди.***

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси И.Абдуллаев, ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг биринчи ўринбосари А.Файзуллаев ва бошқалар замонавий ахборот-коммуникация технологияларини ҳаётга татбиқ этиш ва ривожлантириш аҳоли фаровонлигини юксалтириш, иқтисодиёт тармоқлари рақобатбардошлигини янада мустаҳкамлаш, давлат бошқаруви органлари ва фуқаролар ўртасида ўзаро ҳамкорликни соддалаштиришнинг муҳим омили эканини таъкидлади. Мамлакатимиз Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг 2013 йил 27 июндаги "Ўзбекистон Республикасининг миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ахборот-коммуникация технологиялари инфратузилмасини жадал ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

"ICTExpo – 2016" кўргазмаси Наманган шаҳридаги "Паҳлавон" спорт мажмуасида ҳам бўлиб ўтмоқда. Видеокўприк тарзида ташкил этилган кўргазмада ташриф буюрувчиларга ҳар икки кўргазма экспонатлари билан танишиш имконияти яратилган.

Кўргазмаларда мамлакатимиз ва хориждаги 150 дан ортиқ компания, вазирлик ва идоралар, банк ва муассасаларнинг юқори технологияли маҳсулот ва хизматлари намойиш этилмоқда. Бу ерда мобиль алоқа, интернет, рақамли телевидение, софтвер индустрия, дастурий таъминот бўйича энг янги ишланма ва таклифлар билан танишиш имконияти мавжуд. Кўргазмада "Электрон ҳукумат" тизимида амалга оширилган лойиҳаларнинг энг яхши намуналари, мамлакатимиз дастурий маҳсулот бозоридаги маҳсулотлар намойишига алоҳида эътибор қаратилган.

"Электрон ҳукумат" тизимини ривожлантириш маркази ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги Ахборот хавфсизлигини таъминлаш маркази экспертларининг фикрича, Давлат солиқ қўмитаси давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари орасида ахборот-коммуникация технологияларини самарали ҳаётга татбиқ этиш ва ривожлантириш бўйича етакчилардан биридир.

– Солиқ бошқарувини автоматлаштириш жараёни қоғозлар ёрдамида амалга оширилган ҳужжатлар айланишидан бутунлай воз кечиш имконини берди, – дейди Давлат солиқ қўмитасининг бош давлат солиқ инспектори Акмал Ҳайдаров. – Ўзбекистон Республикасининг "Электрон ҳукумат тўғрисида"ги қонуни талабларига кўра, "my.soliq.uz" электрон солиқ хизматлари портали яратилди. Порталда тақдим этилган давлат электрон хизматлари интерфаол ва ахборотлар хизматларига ажратилган. Ҳар бир хизмат саҳифасида солиқ органлари ходимлари, хизматларини тақдим этаётган масъул шахсларнинг боғланиш учун маълумотлари кўрсатилган бўлиб, бу фойдаланувчиларга қатор қулайликлар яратмоқда.

Давлат, банк ва хусусий сектор учун софтвер маҳсулотлари мамлакатимиз дастурий маҳсулот ишлаб чиқарувчиларининг стендларида кенг намойиш этилмоқда. Масалан, "Intelligent Solutions" масъулияти чекланган жамияти электрон ҳужжат айланиши бўйича "IS-Docflow", электрон тўловлар ва биллинг бўйича "IS-Billing" маҳсулотлари, банк хизматларини масофадан туриб амалга ошириш имконини берадиган тизимларни намойиш этаётир.

– Фаолиятимиз ахборот-технологиялари соҳасида импорт ўрнини босадиган маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган, – дейди "Intelligent Solutions" масъулияти чекланган жамияти таҳлилчиси Елена Жилина. – Мамлакатимизнинг бир қанча тижорат банклари, "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси, Самарқанд автомобиль заводи ва бошқа кўплаб ташкилотлар дастурий маҳсулотларимиздан кенг фойдаланмоқда.

"Fido-Biznes" масъулияти чекланган жамияти ҳам мамлакатимиз дастурий маҳсулотлар бозорида самарали фаолият кўрсатмоқда.

– Мамлакатимизда фаолиятни автоматлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда, шу боис биз дастурий маҳсулотларимизни доимий равишда такомиллаштирмоқдамиз, – дейди "Fido-Biznes" масъулияти чекланган жамияти департамент директори Сардор Қодирхўжаев. – Бу борада Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг 2013 йил 20 сентябрдаги "Мамлакатимизнинг дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчиларини рағбатлантиришни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори кенг имконият яратмоқда.

Ёш дастурчилар ўз бизнес ғояларини амалга ошириши, сармоядорлар ва ҳамкорлар топиши учун барча зарур шароит яратилган. Тошкент ахборот технологиялари университети стендида намойиш этилаётган шахсий компьютер ва смартфонлар учун фойдали илова ва дастурлар, интеллектуал ўйинлар, жараёнларни автоматлаштирадиган ахборот-коммуникация технологиялари ечимлари ҳам буни яққол тасдиқлайди.

– Жамоамиз замонавий web-технологиялардан фойдаланган ҳолда "BeCreative" ёшлар телеканали лойиҳасини яратди, – дейди Тошкент ахборот технологиялари университетининг 3-босқич талабаси Улуғбек Исматов. – Тажриба сифатида синалаётган телеканалнинг барча ходимлари университетимиз талабаларидир. Инглиз тилини ўрганишга кўмаклашадиган телекўрсатувлар яратишга алоҳида эътибор қаратаяпмиз.

Халқаро компаниялар ҳам кўргазмада фаол иштирок этмоқда. Масалан, Жанубий Кореянинг "LG CNS" компанияси "Электрон ҳукумат" соҳасидаги ечимларни, Хитойнинг "ZTE" ва "Huawei Technologies" компаниялари смартфонлар ва телекоммуникация ускуналарининг замонавий турларини тақдим этган.

– Биз Ўзбекистоннинг қатор телекоммуникация компаниялари билан ҳамкорлик қиламиз, – дейди ЎзА мухбирига "ZTE Investment" хорижий корхонаси директори Би Пенсунг. – "ICTExpo – 2016" кўргазмаси мазкур ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш ва янги шериклар топиш учун ажойиб имкониятдир. Ўзбекистон олий ўқув юртлари билан смарт-синфлар ва лабораториялар ташкил этиш ҳамкорлигимизнинг янги йўналишларидан. Мамлакатингизда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини ривожлантиришга қаратилаётган улкан эътибор ҳамкорлигимизни янада мустаҳкамлаш учун катта имкониятлар яратмоқда.

"ICTExpo – 2016" кўргазмаси мамлакатимиз ахборот бозорини янада ривожлантириш, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги халқаро ҳамкорлик доирасини кенгайтириш ҳамда янги мустаҳкам ишбилармонлик алоқаларини йўлга қўйишга хизмат қилади.

**М.ҚАРШИБОЕВ**

**Коммунал хўжалиги: бурч ва масъулият**

# ТИЗИМЛИ ИШЛАР САМАРАСИ

***Агар эсласангиз, бундан анча йиллар олдин баъзи кўп қаватли уйлар олдидаги чиқинди ташлаш қутилари чиқиндилар билан тўлиб кетарди. Бугун бундай манзарани деярли кузатмайсиз. Чунки, ҳар бир чиқинди йиғиш майдончасига алоҳида оператор-назоратчилар қўйилгани боис бу масалада ижобий ўзгаришлар кўзга ташланмоқда.***



Ҳар куни пойтахт кўчаларида икки ёнига "Махсустранс" деб ёзилган машиналарга кўзимиз тушади. Мутахассисларнинг айтишича, бир кунда 2 минг тонна маиший чиқиндилар шаҳар ташқарисига чиқариб ташланмоқда.

Тошкент шаҳар "Махсустранс" Давлат ишлаб чиқариш бошқармаси томонидан олиб борилган тизимли ишлар натижасида кўп қаватли уйлар атрофидаги чиқинди йиғиш майдончалари замонавий услубда таъмирланди, айримлари янгидан қурилди.

Бу ишлар, айниқса, 2013-2014 йилларда тизимли амалга оширилди. Шаҳар ҳудудида 200 та замонавий янги чиқинди майдончалари барпо этилди, 100 та янги турдаги модуль ўрнатиш ишлари амалга оширилди.

"Махсустранс" ДИЧ бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Исмоил Саъдуллаев ҳамроҳлигида пойтахтимизда янгидан ташкил этилган бир неча чиқинди йиғиш майдончаларини кўздан кечирдик. Учтепа тумани "Изза" мавзесида жойлашган 29, 30-сонли чиқинди йиғиш майдончаси озода, тартибли. Оператор иш юритиши учун шароитлар яратиб берилган.

Чилонзор туманидаги Лутфий маҳалласи ҳудудидаги чиқинди йиғиш майдончасида илгари муаммолар қалашиб ётарди. У янгидан қуриб берилиб, назоратчи билан таъминлангач, барча муаммолар ўз-ўзидан ечимини топди. Шайхонтоҳур туманидаги "Кўкча Оқтепа" маҳалласига қарашли 20-сонли чиқинди йиғиш майдончасидамиз. Аввало, чиқинди йиғиш майдончаси учун канализация тортилган, сув бор, электр энергия билан таъминланган. Бу ерга 4 та контейнер ўрнатилган. Чиқинди оператор томонидан қутиларга тартиб билан жойланмоқда.

– Чиқинди йиғиш майдони қурилганидан кейин аҳолининг чиқиндини олиб келишида ҳам муносабат анча ўзгарди, – дейди оператор Ёдгор Аминов. – Маиший чиқиндилар алоҳида контейнерга ташланади, пўчоқлар учун алоҳида идиш қўйилган. Туну кун олиб келинадиган чиқиндилар, назоратимизда. Майдонча тозалиги учун масъулмиз.

Айни пайтда тизимдаги корхоналар тасарруфида 399 та махсус автомашиналар мавжуд бўлиб, шулардан 153 тасини замонавий "MAN" ва "ISUZU" русумидаги автоуловлар ташкил қилади.

– Тизимдаги асосий фондларни янгилаш борасида Мирзо Улуғбек, Яшнобод автокорхоналарининг базалари тўлиқ реконструкциядан чиқарилди ва бу борадаги саъй-ҳаракатлар Шайхонтоҳур, Яккасарой, Олмазор ва Учтепа автокорхоналарида ҳам амалга оширилмоқда, – дейди Исмоил Саъдуллаев.

Республика ҳукумати ва Тошкент шаҳар ҳокимиятининг "Махсустранс" Давлат ишлаб чиқариш бошқармаси иш фаолиятини янада яхшилашга қаратган эътибори натижасида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди.

Булардан асосийларига тўхталадиган бўлсак, биринчи навбатда ходимларнинг ойлик маошлари қайта кўриб чиқилиб, 1.45 фоизга оширилди, ҳайдовчи ва юк ортувчилар махсус кийим билан таъминланди. Мустақиллик байрами арафасида бошқарма бўйича "Энг яхши чиқинди ташувчи автомобиль экипажи", "Энг яхши назоратчи" кўрик-танлови ўтказилди. Узоқ вақт таъмирда туриб қолган чиқинди ташувчи автомобиллар таъмирланишига эътибор қаратилди.

Аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш мақсадида маҳаллаларнинг ҳар бир кўчасига йўналиш жадвалига асосан ҳафтасига икки маротабалик "сигнал" тизими ишлаб чиқилди ва амалга оширилди. Тошкент шаҳрининг санитар ҳолатини тартибга келтириш ва ноқонуний чиқиндилар йиғилишининг олдини олиш мақсадида "Навбатчи экипаж" гуруҳлар ташкил этилиб, иш тизими йўлга қўйилди.

Тошкент шаҳридаги турар жой мавзеларида 724 та қўриқланадиган чиқинди йиғиш майдончалари мавжуд бўлиб, шундан 389 таси бошқармада, қолган 335 таси альтернатив корхона ва бошқарув компанияларида, модуль турдаги 389 та чиқинди йиғиш майдончалари бўлиб, шундан 279 таси бошқармада, қолган 110 таси альтернатив корхона ва бошқарув компанияларида фойдаланилмоқда.

– Яқин келажакда чиқинди ташувчи автомобилларга ўрнатилган GPS навигаторлари ишини назорат қилиш мақсадида марказий йўналиш назимхонаси ташкил этилиб, катта монитор орқали йўналишда юрган автомобиллар ишини мониторинг қилиш ишлари режалаштирилган, – дейди суҳбатдошимиз. – Осиё тараққиёт банки билан биргаликда 25 йил муддатга 76 млн. АҚШ доллари қийматига эга бўлган лойиҳа асосида 350 та янги махсус чиқинди йиғиш майдончаларини қуриш, 2 та чиқиндиларни қайта юклаш шохобчаларини реконструкция қилиш, 200 дона чиқинди ташувчи автомобиллар ва 13 минг 500 дона чиқинди қутиларини харид қилиш, шунингдек, Тошкент вилоятининг Оҳангарон шаҳрида 30 гектар майдонга полигон қуриш ишлари амалга оширилади.

Бир сўз билан айтганда, "Махсустранс" бошқармасида амалга оширилаётган тизимли ишлар соҳани янада ривожлантириб, аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашга қаратилмоқда.

**З.ШАРИФЖОНОВ**

**Янги қонун кучга кирди**

# ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

***Мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб давлатимиз томонидан ёшлар масаласига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислом Каримов имзолаган илк қонунлардан бири ёшларга оид экани ҳам буни яққол тасдиқлайди.***

Истиқлолимизнинг илк йили – 1991 йил 20 ноябрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги қонунда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари тўлақонли акс эттирилган. Қонун асосида ёшларнинг жамиятда ўз ўрнини топиши учун зарур асослар мустаҳкамланиши билан бирга уларнинг ижтимоий ҳимоясига ҳам алоҳида урғу берилган.

Бундан ташқари, давлатимиз ва ҳукуматимиз томонидан ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида кўплаб фармон ва қарорлар, қонуности ҳужжатлари қабул қилинган. Хусусан, 2008 йилда қабул қилинган "Ёшлар йили" Давлат дастури, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори шулар жумласидандир.

"Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ижроси юзасидан ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасининг "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги қонуни бу борада ўзига хос янги босқични бошлаб берди. 2016 йил 15 сентябрда кучга кирган мазкур қонун ёшлар сиёсатининг асосий қоидаларини ўзида мужассам этган. Қонун бундай сиёсатни шакллантириш ва рўёбга чиқаришга доир ташкилий-ҳуқуқий механизмларнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштирди.

Замон талабларини ҳисобга олган ҳолда қонунда ёшларга оид давлат сиёсатининг устувор йўналишлари мустаҳкамлаб қўйилган. Булар сирасига ёшларнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва бошқа ҳуқуқ ҳамда манфаатлари киради. Шу асосда ёшларнинг очиқ ва сифатли таълим олиши таъминланади. Ёш авлоднинг жисмоний, интеллектуал ва ахлоқий жиҳатдан камол топишига кўмаклашилади. Уларни ишга жойлаштириш ва бандлиги учун шарт-шароитлар яратилади. Уларни қонунларга, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга эътибор қаратилади. Ёшларни маънавий негизларни бузишга олиб келадиган хатти-ҳаракатлардан, радикализм, зўравонлик ва шафқатсизлик ғояларидан ҳимоя қилиш, иқтидорли ёшларни ва ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, уларда соғлом турмуш тарзига интилишни шакллантириш, спортни, тадбиркорликни ривожлантириш доимо диққат марказида бўлади.

Қонундаги эътиборли жиҳатлардан бири – унда ушбу йўналишдаги асосий тушунчалар моҳияти очиб берилган. Жумладан, "ёшларга оид давлат сиёсати", "ёшлар (ёш фуқаролар)", "ёш оила", "ёш мутахассис" каби тушунчаларга изоҳ берилган.

Хусусан, ёшлар (ёш фуқаролар) деганда, 14 ёшга тўлган ва 30 ёшдан ошмаган шахслар назарда тутилади. Ёш оила деганда, 30 ёшдан ошмаган эр-хотиндан ёхуд фарзанд (бола) парваришлаётган ота ёки онадан иборат бўлган оила, шу жумладан, ёлғиз, бева эр (хотин) тушунилади.

Қонунда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширувчи, яъни Вазирлар Маҳкамаси ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасалар белгиланган. Булар сирасига таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари, давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари киради. Маданият ва спорт ишлари, меҳнат, прокуратура, ички ишлар, адлия, мудофаа ишлари бўйича органлар, оммавий ахборот воситалари ҳам шулар жумласидандир. Ушбу органлар ва муассасаларнинг вазифалари, ваколатлари, шунингдек, уларнинг бу соҳадаги жавобгарлиги қонунда аниқ белгиланган.

Ўз навбатида, қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилган ёшлар учун қўшимча кафолатлар, яъни бепул умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими олиш, таълим муассасаларида ўқишга имтиёзли кредитлар тақдим этиш ҳуқуқлари мустаҳкамланган. Таълим муассасаларини битирганидан кейин ёшларнинг бандлигини таъминлаш, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни уй-жой билан таъминлаш, ёшларнинг дам олиш ва соғломлаштириш ташкилотлари тизимини ривожлантириш ва бошқа шу кабилар қамраб олинган.

Қонунда мукофотлар, стипендиялар белгилаш, таълим грантларини тақдим этиш, фан, маданият ва санъат соҳасида ижодий устахоналар ва мактабларни ташкил этишга кўмаклашиш, спорт секциялари фаолиятини ташкил этиш кабилар орқали амалга ошириш мумкин бўлган истеъдодли ёшларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш масалалари тартибга солинган.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2010 йил 28 июлдаги "Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонини рўёбга чиқариш мақсадида қонунда мамлакатимизда ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш бўйича давлат томонидан чора-тадбирларни кўришга алоҳида ўрин ажратилган.

Ушбу соҳадаги халқаро тажрибага назар ташлайдиган бўлсак, АҚШ ва Японияда ёшлар 13-14 ёшдан 29-30 ёшгача қилиб белгиланган. Германияда "кичик ёшдаги ёшлар" 14-18 ёш ҳамда "катта ёшдаги ёшлар" 18-27 ёшга бўлинади. Болгарияда 15 ёшдан 29 ёшгача, Россияда 15 ёшдан 30 ёшгача бўлган барча шахслар ёшлар тоифасига тааллуқли.

Мазкур қонун нафақат ёшлар, ёш оила, балки ёш мутахассис, ёшлар тадбиркорлиги тушунчаларининг мазмунини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлади. Ёшларга оид сиёсатни рўёбга чиқариш, комплекс ташкилий-ҳуқуқий ва институционал чора-тадбирларни қабул қилишга йўналиш ва асос бўладиган Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий принциплари ва йўналишларини белгилади. Ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги давлат бошқарувини ушбу жараёнда иштирок этадиган ҳар бир субъект ваколатларини мустаҳкамлаган ҳолда такомиллаштирди. Ўзбекистонда ёшларни ҳар томонлама рағбатлантирадиган қўшимча давлат кафолатларини кенгайтириш ва ўрнатишга, мамлакат иқтисодий ўсишининг локомотиви бўлган ёшлар ўртасидаги тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашишга кенг йўл очди.

Қонун нормалари ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда жамоат ташкилотларининг, аввало, ёшлар ташкилотларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ва оммавий ахборот воситаларининг роли ҳамда ўрнини кучайтиради. Давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқишда, соғлом баркамол авлодни тарбиялашга доир тадбирларни уюштириш ҳамда ўтказишда, ёшларнинг жамият ҳаётидаги роли ва фаоллигини юксалтиришда, ушбу соҳадаги қонун ҳужжатлари талаблари бажарилиши устидан жамоат назоратини амалга оширишда фуқаролик жамияти институтлари муқаррар иштирокининг ҳуқуқий механизмлари мустаҳкамланди.

Қонуннинг қабул қилиниши ёшларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари таъминланишига ҳуқуқий асос яратди. Бу борада масъул бўлган давлат органлари ҳамда бошқа ташкилотлар масъулиятини кучайтирди. Бу имкониятлар ёшларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқаришига замин яратади.

**Давронбек ОЛИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти етакчи илмий ходими**
**ЎзА**

***Юнусобод тумани тиббиёт бирлашмаси тизимида ўн учта даволаш-профилактика муассасаси аҳолига замонавий андозалар даражасида тиббий ёрдам кўрсатмоқда. Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ этишга оид давлат дастурлари, инвестиция лойиҳалари доирасида барча шифо муассасалари босқичма-босқич модернизация ва реконструкция этилиб, замонавий тиббий асбоб-ускуналар, мебеллар билан жиҳозланмоқда. Тумандаги 51-оилавий поликлиника биноси янгидан қурилиб, фойдаланишга топширилди.***

# ТИББИЙ ХИЗМАТ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Замонавий қиёфага кирган тиббиёт муассасаларини янги диагностика ва даволаш ускуналари билан жиҳозлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. "Саломатлик-3" ло-йиҳаси доирасида тумандаги тиббиёт муассасалари замонавий ультратовуш таҳлил воситаси, гастроэнтерология, гинекология соҳаларида қўлланиладиган янги технологиялар, рақамли рентген аппарати билан жиҳозланди. Бу имкониятлар аҳоли орасида олиб борилаётган тиббий профилактика ва даволаш ишлари самарадорлигини оширишга хизмат қилаётир.

Жорий йилда аҳолининг барча қатлами, хусусан, оналар, болалар, ўсмирлар, фертиль ёшдаги аёллар чуқурлаштирилган тиббий кўрикка тўлиқ қамраб олинди. Аҳоли орасида қарийб олтмиш мингга яқин тарғибот тадбирлари ташкил этилди. Тиббий текширувларда хасталик аниқланганлар соғломлаштирилмоқда. Она ва бола ўлимининг олдини олиш, касалликларни камайтиришга эришилмоқда.

– Шифо масканимиз бешта маҳалланинг қарийб йигирма саккиз минг аҳолисига хизмат кўрсатади, – дейди тумандаги 55-оилавий поликлиника бош шифокори ўринбосари Насиба Рўзимуҳамедова. – Эллик бир умумий амалиёт шифокори ва патронаж ҳамшира, тиббиётнинг ўндан кўпроқ йўналиши бўйича тор мутахассислар эл хизматида. 2012 йилда мукаммал таъмирланган оилавий поликлиникамизда аҳолига тиббий ёрдамни самарали ташкил этиш учун барча шароит мавжуд.

2014 йилда тубдан реконструкция этилиб, фойдаланишга топширилган Тошкент шаҳар 3-туманлараро тери-таносил касалликлари диспансери ҳам буткул замонавий қиёфага кирди. Шифо масканида тиббий таҳлилларни тез ва самарали ташкил этиш, аҳолига юксак савияда ёрдам кўрсатиш имконияти янада кенгайди. Мазкур диспансерда қишга тайёргарлик ишлари сифатли тарзда олиб борилди ва муассаса мавсумга шай ҳолатга келтирилди.

Туманда жойлашган 1-шаҳар болалар шифохонасида ҳам шу кунларда бунёдкорлик ишлари авжида. Мазкур шифохона инвестиция лойиҳаси доирасида тубдан реконструкция этилмоқда. Айни пайтда шифохонанинг бешинчи корпуси таъмирланмоқда.

– Тўрт юз йигирма беш ўринга мўлжалланган шифохонамизда болаларга жаҳон андозалари даражасида тиббий ёрдам кўрсатиш имконияти мавжуд, – дейди ЎзА мухбирига 1-шаҳар болалар шифохонаси бош шифокори ўринбосари Гавҳар Аъзамхўжаева. – Кейинги йилларда олиб борилаётган босқичма-босқич реконструкция ишлари натижасида шифохонанинг моддий-техник базаси такомиллашди.

Тиббиёт муассасаси реконструкция этилиши билан бир қаторда рақамли рентген, компьютер томограф, допплер, лаборатория таҳлилини ўтказадиган янги воситалар, микроскоп, болаларни парваришлашда қўлланиладиган янги технологиялар билан жиҳозлангани диагностика ва даволаш ишлари сифатини янада ошириш имкониятини бераётир.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигидан маълум қилишларича, мамлакатимиздаги барча тиббиёт муассасаларида куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишлари тизимли асосда олиб борилмоқда. "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури доирасида бир юз олтмишдан зиёд даволаш-профилактика муассасаларида инвестиция лойиҳалари асосида қурилиш-таъмирлаш ишлари давом эттирилаётир. Бунинг учун давлат бюджети ҳисобидан 553,3 миллиард сўм ажратилган. Ушбу чора-тадбирлар натижасида халқимизнинг замонавий тиббий хизматдан баҳрамандлик даражаси ошиб бораётир.

**Баҳор ХИДИРОВА**

***Пойтахтимизда ахборот технологиялари лойиҳалари бўйича "Intellect2All" ҳамда ахборот хавфсизлиги бўйича "Cyber Security Challenge Uzbekistan" танловлари ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.***

# ТАНЛОВ НАТИЖАЛАРИ САРҲИСОБ ҚИЛИНДИ

Ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги доирасида ўтказилган ушбу танловлар Ёшлар ташаббуслари маркази, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ташкил этилди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислом Каримов раҳнамолигида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини ривожлантириш бўйича улкан ишлар амалга оширилди.

Бугунги кунда коллеж ва лицейлар, олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган ўқувчи ва талабалар замонавий компьютер техникаси ва электроникани пухта ўрганмоқда. Масалан, Тошкент ахборот технологиялари университетида мобиль алоқа, электрон муҳандислик ва робот техника, оптик толали алоқа линиялари бўйича илмий лабораториялар мавжуд. Тошкент ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежида фаолият кўрсатаётган "Samsung" сервис академиясида мобиль қурилмалар ва рақамли телевизорларни таъмирлаш мутахассислари тайёрланмоқда.

Ёшлар ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги танлов ва мусобақаларда ўз билимини намойиш этиб, бизнес ғояларини ҳаётга татбиқ этиш учун яхши имкониятга эга бўлмоқда.

Ахборот технологиялари лойиҳалари танловининг якуний босқичида энг яхши 40 лойиҳа муаллифи уч йўналиш бўйича баҳслашди.

Веб-ишланма номинациясида Фарғона вилоятининг "FSIX" жамоаси Ўзбекистоннинг диққатга сазовор жойлари суратларидан фойдаланган ҳолда яратилган All360.uz веб-саҳифаси учун биринчи ўринни эгаллади. "Мобиль иловалар" номинациясида Бухоро вилояти жамоаси томонидан яратилган "Bot rabbit" иловаси энг яхши деб топилди. Виртуал реаллик форматидаги миллий музей – "Gallery" лойиҳасини яратган Тошкент шаҳри жамоаси виртуал реаллик иловалари номинацияси ғолиби бўлди.

Ахборот хавфсизлиги соҳасидаги мусобақалар ҳам қизиқарли ўтди. Танловнинг якуний босқичида иштирокчиларга замонавий кибер макон воқеликларига имкон қадар яқинлаштирилган топшириқлар берилди. Улар сайт ва серверларнинг ҳимоясиз жойлари ва камчиликларини топиб бартараф этиши керак бўлди. Бухоро вилоятининг "Wind" ва "Elio" жамоалари биринчи ва иккинчи ўринни эгаллади. Учинчи ўрин Тошкент шаҳрининг "Жаноб робот" жамоасига насиб этди.

Мазкур танловлар ахборот-коммуникация технологиялари ҳаётга кенг жорий этилаётгани, ёшларнинг юқори технологияларга бўлган қизиқиши ва дастурчиларнинг бу борадаги маҳорати тобора ортаётганини яна бир бор намоён этди.

**(ЎзА)**

**Жиноятга жазо муқаррар**

# ҚИНҒИР ИШНИНГ ҚИЙИҒИ

## ёхуд машина ўғрилари фош этилди

***Истиқлолнинг дастлабки кунларидан бошлаб юртимизда ёшлар масаласига, уларнинг камол топиши, билим олиши, ўзи севган касбни эгаллаши борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Куни кеча қабул қилинган "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги Қонун фикримизнинг яққол далилидир. Ёшлар келажагимиз, эртанги кунимизнинг давомчиларидир. Айни пайтда улар етарли билим ва кўникмага эга бўлиб давлат ва жамоат ташкилотларида турли соҳаларда фаол хизмат қилишмоқда, тадбиркорлик, маданият, санъат ва бошқа соҳа ривожланишига ўзларининг муносиб улушини қўшиб келишмоқда. Айниқса, ёшларимизнинг спорт соҳасида эришган ютуқлари барчамизга ғурур ва ифтихор бағишлайди. Хуллас, бугунги фарзандларимиз бахту иқболини кўриб дилимиз яйрайди.***



Аммо гуруч курмаксиз бўлмаганидек, баъзан ўзлигини англамаган, яратилган неъматга шукр қилмасдан, билиб-билмай нопок йўлга кириб қолаётган ноқобил фарзандлар ҳам учраб турибди. Шаҳримизда бархам топган бўлсада, сўнгги йилларда яна учқунлари кўрина бошлаган машина ўғриликлари масаласига алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз.

Фойдали меҳнат этагини тутмаган Мурод Азимов, Шоҳиста Мирзаева ва Саидумар Джалилов ўзаро тил бириктириб гавжум кўчалар, бозорлар ва ўқув муассасалари атрофида турган шахсий машиналарни ўғирлаб енгилгина бойиб кетишни кўзлашади. Аввалдан тузилган пухта режа асосида Мурод Шоҳистанинг "Нексия" машинасида шаҳар айланиб ўлжа қидиришади. 2015 йил 14 октябрь куни Катта ҳалқа йўлининг "Ўрикзор" бозори қаршисида турган турна қатор машиналар орасида дельфин рангли "Спарк" машинаси қаровсиз қолдирилганини, калити жойида турганлигини кўриб, ўзларининг қабиҳ ниятларини амалга оширишга киришишади. Шоҳиста атрофга кўз-қулоқ бўлиб туради. Мурод автомашина эшигини махсус қайчи билан сурбетларча очади. Салондан юз минг сўм нақд пулни олиб, ўзаро келишувга мувофиқ, машина ўғрилари ўлжани эҳтиёт қисмларга ажратиш бўйича "бош мутахассис" Саидумар Джалиловнинг Учтепа туманидаги уйига олиб боради. "Шоввоз"лар томонидан автомобиль эҳтиёт қисмларга бўлиниб тезда сотиб юборилади. Ундаги техник паспорт, ҳайдовчилик гувоҳномаси ва талони, суғурта полиси, фуқаролик паспорти ёқиб юборилади, давлат рақами эса йўқ қилинади. Олинган мўмай даромад арра қилинади. Натижада "Спарк" эгасига жами 37 млн. 970 минг сўм миқдорда моддий зарар етказилади. Ушбу жараён пайтида Шоҳиста 200 минг сўмлик ўриндиқ қопламасини олиб, шу русумли машинага эга бўлган отасига совға қилади. Ўғирланган "совға"ни бажонидил қабул қилган ота "қизим буни қаердан олди экан" деб ҳам қизиқмайди.

Хамирдан қил суғургандек осон кечган биринчи "операция"дан илҳомланган ҳамтовоқлар 2015 йил 31 октябрь куни Шайхонтоҳур тумани ҳудудида жойлашган "Тахта" бозори олдида яна учрашишади. Бозорнинг кириш қисмида турган машиналарни ҳеч кимга сездирмасдан кўздан кечиришади. Уларнинг назари калити ўзида турган ва пульт билан қулфланган "Ласетти"га тўшади. Ўғирланган машина яна тўғри Саидумарнинг уйига олиб борилади. Машина ичидаги 980 минг сўм нақд пул ўмарилиб, автомашинадан ечиб олинган барча эҳтиёт қисмлар сотиб юборилади. Машина эгасининг ҳужжатлари ва давлат белгилари одатдагидек юқоридаги каби йўқ қилинади. Оқибатда "Ласетти" эгасига жами 52 млн. сўмлик моддий зарар келтиради.

Ушбу жиноий гуруҳ 2015 йилнинг 3 ноябрида "Абу Саҳий" бозори олдида пайдо бўлади. Бозорнинг кириш қисмида қаторлатиб қўйилган юзлаб автомашиналарни оралаб, "Ласетти Жентра" русумли машинага "қўнгил" қўйишади. Калити ичида, эшиклари пульт билан қулфланган. Машина гўё "мени ҳам ўғирланг" деб тургандек. Ҳақиқатда ҳам шундай бўлади. Атрофдагиларга билдирмасдан Муроднинг сеҳрли қайчиси ишга тушади. Қарабсизки, орадан кўп вақт ўтмай "Ласетти Жентра" машинаси яна Саидумар қўлига тушади. Жиноятчилар машина салонидан топилган 370 минг сўм миқдордаги нақд пулга эга бўлишади. Бу гал Саидумар машинага "раҳм қилиб" уни эҳтиёт қисмларга ажратишга шошмайди, унга қалбаки давлат рақамини ўрнатиб ўз эҳтиёжи йўлида фойдаланиб юраверади.

Орадан кўп ўтмай, яъни 2015 йилнинг 7 ноябрида Шоҳиста ва Муроднинг Талабалар шаҳарчасида пайдо бўлиши бежиз эмасди. Ўрганган кўнгил, ўртанса қўймас деганларидек, кўплаб талабалар ўқишга ўз шахсий машиналарида келишини жуда яхши билишган ҳамтовоқлар ҳудуддаги Сув спорти саройи ёнидаги енгил автомашиналарни кўздан кечириб, ярақлаб турган "Нексия-2" машинасини "мўлжал"га олишади. Мурод аста эшик очар қайчисини ишга солади. Во, ажабо, қайси кўз билан кўрсинки, машина эшиклари қулфланмаган, очиқ ҳолда эди. Бундай "хайрли" ишдан қувониб, тезкор усулда ўлжа "манзилга" етказилади. Мулк эгасининг барча ҳужжатлари йўқ қилинади. Ундан ечиб олинган турли жиҳозлар Фарҳод кўчасида жойлашган эҳтиёт қисмлар бозорида пуллаб юборилади ва машина эгаси жами 41 млн. сўмга яқин моддий зарар кўради.

Машина ўғрилари ўз қора ниятларини амалга ошириб тараллабедод қилиб юришар, лекин юқоридаги шахсий автомашиналар ўғирланган тўғрисида ўз вақтида хабарни олган ички ишлар ходимлари томонидан кенг қамровли қидирув ишлари олиб борилаётганидан бехабар эдилар. Аммо орамизда бундай ғаламис ишларни очиб берадиган мард ва холис инсонлар ҳам бор. Ушбу жиноятнинг оператив тарзда фош этилишига ёрдам берган фидойилардан бири сабаб бўлди. Юқорида "Спарк" русумли машинадан ечиб олинган ўриндиқ ғилофини Шоҳиста отасига ҳадя этганлигини баён этган эдик. Ота ғилофни ўзининг шахсий "Спарк"ига ўрнатиш учун ғилоф устаси Хайрулла Алимджанов олдига боради. Хайрулла ғилофни кўздан кечириб, уни бир пайтлар ўзи тикиб, яқин танишларидан бирининг машинасига ўрнатиб берганлигини эслаб қолади ва танишим машинасини сотиб юборган бўлса керак деган хаёлга боради. Шу орада устахонага унинг танишини яхши танийдиган бир дўсти келиб қолади. Ундан мижозининг машинаси ўғирланганлигини билиб қолади. Бўлган воқеа тўғрисида тезда ғилофнинг асл эгасига маълум қилинади ва кўп ўтмай машина ўғрилари қўлга олинади...

Дастлабки тергов давомида айбланувчилар ўз қилмишларини бўйнига олмасликка, терговни чалғитишга ҳаракат қилишди. Лекин рад этиб бўлмайдиган ашёвий далиллар асосида машина ўғрилари тўлиқ фош этилиб иш судга оширилди.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Олмазор туман суди бир неча ой пойтахтимизда енгил автомашиналарни ўғирлаш билан шуғулланиб келган, уюшган жиноятчи гуруҳ устидан очиқ суд мажлисини ўтказди. Суд ўз ҳукмида айбланувчилар томонидан жабрланувчиларга етказилган зарар қопланганлигини, уларнинг оилавий аҳволини, ўз қилган ишларидан пушаймонлигини ҳамда жабрланувчилар томонидан қатъий даъво бўлмаганлигини эътиборга олиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддасига биноан 1990 йилда туғилган Мурод Азимов, 1986 йилда туғилган Саидумар Джалилов ва 1990 йилда туғилган Шоҳиста Азимоваларга қонуний жазо берилди. Кўриниб турибдики, қинғир ишнинг қийини албатта фош этилади ва ҳар қандай жиноят жазосиз қолмайди.

* * *

**ТАҲРИРИЯТДАН: Куни кеча Учтепа туманидаги 106-мактабда туман фаоллари билан бўлиб ўтган йиғилишда ушбу жиноятнинг сабаб-оқибатлари муҳокама қилинди ва "Қонун доирасида" фильми намойиш этилди. Йиғилишда сўзга чиққанлар томонидан маҳалла тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш йўлида салбий воқеа, ҳодисаларга бефарқ ва лоқайд бўлмаслик, маҳалла ҳамда ҳуқуқ-тартибот органларининг ўзаро ҳамжиҳатликлари, ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар билан фуқароларнинг мустаҳкам узвий ҳамкорлиги катта аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтилди. Жиноятчи ўғрилар тўдасининг фош этилишига ўзининг самарали ҳиссасини қўшган фуқаро Х.Алимджанов Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Фахрий ёрлиғи ва эсдалик совғаси билан тақдирланди.**

**Эргаш УБАЙДУЛЛАЕВ**

**СУРАТДА:** *Учтепа туманидаги 106-мактабда бўлиб ўтган фаоллар йиғилишидан лавҳа*

***Ўзбеклар азалдан болажон халқ. Ўтмишда ҳам боболаримиз ва момоларимиз фарзанд тарбиясига алоҳида эътибор билан қараганлар.***

# МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ЎРНИ

Уларга саломдан бошланувчи оддий урф-одатларимиздан тортиб, ҳалоллик, меҳнатсеварлик, яратувчанлик, ватанпарварлик, муқаддас анъаналаримизга ҳурмат каби юксак инсоний хислатларни сингдириб келганлар.

Шунинг учун ҳам бу юртда яшаб ўтган илм-фан, қаҳрамонлик, жасорат, бунёдкорлик соҳасида дунёни лол қолдирган Беруний, Ибн Сино, Фаробий, Амир Темур, Алишер Навоий, Бобур сингари буюк ватандошларимиз етишиб чиқдилар.

Мамлакатимизда ўн саккиз ёшгача бўлган фарзандларимиз – болалар ёки вояга етмаганлар деб аталади. Фарзандларимизнинг асосий қисми ўз оиласи, ота-онаси бағрида ўсиб-улғаяди, тарбия топади. Лекин, шу билан бир қаторда, шундай болаларимиз ҳам борки, уларга ўзига хос алоҳида эътибор керак бўлади. Улар қаторига оғир турмуш шароитида юзага келган ҳолатлар сабабли ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган болалар, жисмоний ва руҳий ривожланишида нуқсони бўлган болалар, етим болалар, яшаш жойига эга бўлмаган болалар, кам таъминланган оила фарзандлари, турли кўринишдаги ногирон болалар, махсус рўйхатда турувчи тарбияси оғир болалар, жиноий жавобгарликка тортилган жазони ижро этиш муассасаларидаги болалар киради. Вояга етмаганлар билан иш олиб борувчи барча муассасалар ўз фаолиятлари давомида юқоридаги ҳолатларга тушган болаларга ҳам катта эътибор қаратишлари керак.

Фарзанд инсонга ҳадя қилинган энг улуғ неъматдир. Шундай экан фарзандлар олдидаги бурчимизни виждонан адо этиб, уларни эл-юрт корига ярайдиган ўғил-қизлар бўлиб вояга етишига замин яратайлик. Вояга етмаган ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, уларни ҳунар ўрганишга кенг жалб этиш, жамиятга кераклн шахс бўлиб вояга етишларига йўл-йўриқ кўрсатишда нафақат оила, балки маълум жамоат ташкилотларининг ҳам ўрни беқиёс. Хусусан, вояга етмаганларнинг илм-фанга ва касбга бўлган қизиқишларини орттириш, Ватанга бўлган муҳаббат туйғусини шакллантиришда янги илғор ва самарали усулларни амалиётга жорий этиш зарур.

Бугун ҳар бир одам ўзини тинчликни асрашга масъул, деб билиши керак. Шундай экан, Ўзбекистондаги ҳеч бир одам бир-бирига бегона эмас — ҳеч бир ўғил-қиз, ҳеч бир фарзанднинг тарбияси ҳеч қайсимизни бефарқ қолдирмаслиги керак. Бугун биз шиддат билан ривожланиб бораётган, ахборотлашган янги даврда яшаяпмиз. Ҳар бир ҳодисанинг ижобий ва салбий томонлари бўлганидек ахборот технологиялари эришилаётган ютуқлар билан бирга, улар орқали жамиятимизга, айниқса, унинг маънавий ҳаётига таҳдид солувчи ҳолатлар ҳам юзага келмоқда. Бу жараён баъзи қора ниятли кучларга қўл келиб ёшларга ва улар орқали жамият ва давлатга хавф туғдирмоқда.

Мамлакатимизда вояга етмаганлар манфаатларини ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, улар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича амалга оширилаётган ишлар болаларни ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш самарадорлигини оширишда, ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар ҳамда Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш борасидаги муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Келажак авлод тарбияси барча замонларда халқимиз олдида турган асосий вазифалардан бири бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Бу каби савобли мақсад ва вазифани нафақат тарбия билан шуғулланувчи ташкилотлар, биз ўқитувчилар, балки ҳаммамиз ўз олдимизга қўйишимиз лозим. Миллатимиз келажаги, юксак маънавиятимиз ворислари бўлмиш ёш авлод тарбиясига жавобгарлик ҳисси ҳеч қачон бизни тарк этмаслиги керак.

**Бахтиёр ОМОНОВ,**
**Тошкент ахборот технологиялари университети доценти, сиёсий фанлар номзоди**
**Татьяна КАСИМОВА,**
**Тошкент политехника коллежи ўқитувчиси**

# ТЕЖАМКОРЛИК ОМИЛИ

***Мамлакатимизда энергетика соҳасини ислоҳ қилиш бўйича кенг кўламдаги ишлар олиб борилаётир.***

Жумладан, ишлаб чиқарувчи қувватларни модернизациялаш, замонавий энергия манбаларини татбиқ этиш, электр энергиясини ҳисобга олиш тизимини такомиллаштириш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилиб, бу йўналишда бир қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Бу ҳақда "Ўзбекэнерго" акциядорлик жамияти томонидан ташкил этилган истеъмол қилинаётган электр энергияси учун ҳисоб-китоблар интизомини мустаҳкамлаш ҳамда ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизими АСКУЭни татбиқ этиш бўйича амалга оширилаётган ишларга бағишланган матбуот анжуманида алоҳида сўз юритилди.

Бугунги кунда юртимизда электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини татбиқ этиш бўйича ишлар йўлга қўйилмоқда. Ушбу лойиҳа бўйича маҳсулот етказиб бериш ва хизмат кўрсатиш Кореянинг "KT Corporation" компанияси томонидан олиб борилмоқда. Ҳозирги кунда республикамизнинг Бухоро, Самарқанд ва Жиззах вилоятларида ҳудудий электр тармоқлари корхоналарида сервер жиҳозлари, ҳисоблаш асбобларини етказиб бериш ва ўрнатиш бўйича ишлар бошлаб юборилган.

Мазкур лойиҳа мамлакатимиз энергетика соҳаси молиявий имкониятининг ортиши, шунингдек, электр энергияси ҳисобига аниқлик, ҳаққонийлик ва тўлиқлилигини таъминлаш, янги электрон ҳисоблагичларни ўрнатиш эвазига ҳисоблаш тизимини такомиллаштириши билан ҳам аҳамиятлидир.

Электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими АСКУЭ – бу истеъмолчиларга узатилаётган электр энергияси миқдорини аниқлаш, электрон ҳисоблагичлар кўрсаткичларини масофадан туриб ёзиб бориш, маълумотларни йиғиш ва бутун жараённи компьютер орқали бошқаришни ўз ичига олувчи тизимдир.

Тадбирда шунингдек, "KAIFA" компанияси томонидан тақдим этилаётган янги интеллектуал ҳисоблагичлар тўғрисида ҳам батафсил маълумот берилди. Улар турли фальсификацияларни аниқлаш ва бундай ҳолатлар аниқланганда дарҳол истеъмолчини тармоқдан узиб қўйиш ва тўлов амалга оширилмаганда масофадан ўчириб қўйиш имкониятига эга. Бундан ташқари, янги ҳисоблагичлар мижозларга фойдаланилган электр энергиясининг миқдори, турли мавсум ёки сутка вақтларида фойдаланиш давомийлиги ва бошқаларга асосланган ҳолда мослашувчан тарифлардан фойдаланиш имконини беради.

**Абдуалим САЛИМОВ**

**РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР/ РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР**

**ПРОФЕССОР С.А.Ҳасанов "Отоларинголог" клиникаси**

▶ Барча томоқ-қулоқ-бурун касалликлари диагностикаси ва уларни даволаш;
▶ Гайморит, фронтит, этмоидитларни самарали ва пункциясиз даволаш;
▶ Аллергик ва вазомотор ринитларни даволаш;
▶ Йирингли ва йирингсиз отитларни даволаш. Эшитишнинг ёмонлашуви ва қулоқдаги шовқинни, қулоқнинг замбуруғли шикастланишини (отомикозлар) даволаш;
▶ Болаларда ларингитларнинг тез-тез қузатилиши, томоқда нарса тиқилиб қолгандек ҳис этиш, йўтал ва оғиздан ҳид келишини даволаш;
▶ Болалар ва катталарда сурункали тонзиллитлар (жарроҳлик усулисиз);
▶ Келин-куёвларга бепул маслаҳатлар.

Қабулни профессор ва юқори малакали мутахассислар олиб боради.

**Тел.: 234-36-50, 234-92-65, 187-57-50, 808-29-71**
**"Гидрометцентр" бекати, "Минор" м.б., Осиё кўчаси,12**
Хизматлар лицензияланган



# ҲАФТАЛИК ТЕЛЕДАСТУРЛАР

## ДУШАНБА, 26

### Ўзбекистон

05.55 Кўрсатувлар дастури.
06.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
07.00 "Сайлов – демократия кўзгуси".
07.40 "Ўзбекистон – умумий уйимиз".
08.00 "Таҳлилнома".
08.40 "Коинот тилсими". Ҳ/ф.
09.15 "Соғлом она ва бола йили". "Нурли ришталар".
09.35 "Мўъжизалар макони".
10.05 Анонс.
10.15 "Ватанпарвар".
11.00 "Ахборот".
11.10 "Бу ҳам муҳим". Ток-шоу.
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
13.00 "Ўн дақиқа: виолончель". Б/ф.
13.45 Анонс.
14.00 "Ахборот".
14.15 "Ҳидоят сари".
14.45 "Менинг боғим".
15.05 "Бизнес-старт".
15.30 "Қишлоқ ҳаёти".
15.50 "Иқлим".
16.00 "Заковат".
17.00 "Ахборот".
17.10 "Суҳбатдош".
17.25 "Ҳаёт". Ҳ/ф.
18.15 "Иқлим".
18.20 "Имконият".
18.40 "Монк". Т/с.
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" /рус/.
20.05 "Қайнона ва келин". Т/с. Премьера.
21.00 "Ахборот".
21.40 "Муносабат". Ток-шоу.
22.25 – 00.05 "Севги мактуби". Б/ф.
00.05 "Имконият".
00.30 "Бизнес-старт".
01.00 "Ахборот" /рус/.
01.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
02.30 "Бир кошона сирлари". Спектакль.
04.00 "Ахборот".
04.40 Миллий сериал: "Имтиҳон".
05.10 – 05.55 "Ватанпарвар".

### Ёшлар

06.00 "Ватан меҳри".
06.10 "Эдгар ва Кристина". Б/ф.
07.30 "Афсона ва ҳақиқат".
08.10 "Одноклассники. ru". Б/ф.
09.50 "UzEX".
10.00 "Камолот-инфо".
10.10 "Келин". Т/с.
11.00 "Шарқ гавҳари".
11.30 "Нуқтаи назар".
12.00 "Сарой табиби". Т/с.
12.50 "UzEX".
13.00 "Давр".
13.10 "Мўъжизавий дунё".
14.10 "Сеҳргарлар". Т/с.
15.40 "Фусункор чироқлар".
16.00 "Давр".
16.10 "Бир қадам". Т/с.
17.00 "Камолот-инфо".
17.10 "Юрт келажаги".
17.30 "Канизак Изаура". Т/с.
18.50 "UzEX".
19.00 "Давр".
19.30 "Келин". Т/с.
20.10 "Телетуҳфа".
20.20 "Сўқирлар". Т/с.
21.00 "Устозга таъзим".
21.10 "Сарой табиби". Т/с.
22.00 "Давр".
22.30 "Омад калити". Б/ф.
00.20 "Афсона ва ҳақиқат".
03.30 "Инсон психологияси".
04.30 "Мўъжизавий дунё".
05.30 – 06.00 "Давр".

### Тошкент

05.55 "Ягонасан, муқаддас Ватаним!"
06.00, 07.00, 08.00, 09.00, 10.00, 11.00, 12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 20.00, 22.00, 02.00 "Poytaxt".
06.15 Миллий сериал: "Бедор туйғулар".
07.30 "Афсона ва ҳақиқат".
08.10 "Одноклассники. ru". Б/ф.
09.50 "UzEX".
10.00 "Камолот-инфо".
10.10 "Келин". Т/с.
11.00 "Шарқ гавҳари".
11.30 "Нуқтаи назар".
12.00 "Сарой табиби". Т/с.
12.50 "UzEX".
13.00 "Давр".
13.10 "Мўъжизавий дунё".
14.10 "Сеҳргарлар". Т/с.
15.40 "Фусункор чироқлар".
16.00 "Давр".
16.10 "Бир қадам". Т/с.
17.00 "Камолот-инфо".
17.10 "Юрт келажаги".
17.30 "Канизак Изаура". Т/с.
18.50 "UzEX".
19.00 "Давр".
19.30 "Келин". Т/с.
20.10 "Телетуҳфа".
20.20 "Сўқирлар". Т/с.
21.00 "Устозлик бахти".
21.10 "Сарой табиби". Т/с.
22.00 "Давр".
22.30 "Оқшом эртаги". Б/ф.
00.10 "Афсона ва ҳақиқат".
02.30 "Ватанпарвар".
03.10 "Биз киммиз?"
03.30 "Инсон психологияси".
04.30 "Мўъжизавий дунё".
05.30 – 06.00 "Давр".

17.15 "Рангли телевизор".
17.50 "Ишга марҳамат!"
18.20 "Пойтахт-авто".
18.35 "Сифат назорати".
19.00 "Телемаркет".
19.15 "Соҳилдаги муҳаббат". Т/с. /Премьера/.
20.20 "Муҳаббат қиссалари: Қалбим ардоғи". Т/с. /Премьера/.
21.00 "Тўрдан чиқиш йўли".
21.45 "Телемаркет".
22.30 "Судья". Ҳ/ф.
00.35 "Пойтахт-авто".
00.50 "Ҳикматли дунё": "Қалб".
01.35 "Пойтахт йўлларида".
02.10 "Обод хонадон".
02.30 "Кўнгил ҳайратлари".
03.00 "Кинотақдим".
03.20 "Мен сизга айтсам".
03.55 – 05.55 "Тошкент вақти".

17.30 "Болалар спорти".
18.00 Хабарлар (рус).
18.25 Футбол. Осиё чемпионати U-16. Чорак финал. Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
20.25 "Спорт-маркет".
20.30 Хабарлар (ўзб).
20.55 Дзюдо. Гран-при турнири.
22.00 "ФИФА". Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
23.35 "Узбек спортининг зафарли одимлари".
00.00 Мадҳия.
00.05 Синхрон сузиш. "Сув париси". Халқаро турнир.
01.10 ХАБАРЛАР.
01.30 Хоккей. Жаҳон Кубоги.
03.05 Футзал. Жаҳон чемпионати. 1/4 финал.
04.35 – 06.00 Теннис. "Тошкент Опен" турнири.

### Спорт

06.00 Мадҳия.
06.05 Кўрсатувлар тартиби.
06.10 "Қорақалпоқ спорти".
06.30 "Бизнинг спорт".
07.00 "Sport-online".
08.00 Талқин.
08.30 Футзал. Жаҳон чемпионати. 1/4 финал.
10.00 Теннис. "Тошкент Опен" турнири. Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
12.00 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
12.05 "Техноспорт".
12.20 Теннис. "Тошкент Опен" турнири. Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
14.30 Хабарлар (ўзб).
14.50 "Эътироф".
15.00 "Спорт сабоқлари".
15.25 Футбол. Осиё чемпионати-U 16. Чорак финал. Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
17.25 Кўрсатувлар тартиби.

### Маҳалла

06.00 "Ватан мадҳи".
06.05 Миллий сериал. "Кўнгил кўчалари".
06.35 "Муҳаббат риштаси".
07.00 Миллий кино. "Мажруҳ".
08.45 "7 кун нафаси".
09.00 Миллий кино. "Катта одам".
10.10 "TV анонс".
10.15 "Маҳалламиз спортчилари".
11.05 "Йўлга чиқдик".
11.30 "Эзгу сўз, эзгу амал". Ток-шоу.
12.15 "Маҳалламиз маликаси".
12.55 "Кун нафаси".
13.00 Миллий кино. "Ўкинч".
14.05 "TV анонс".
14.10 "Кўнгилдаги гаплар". Ток-шоу.
15.00 Миллий сериал. "Ҳаёт жилғалари".
15.30 "Ноёб институт".
15.55 "Кун нафаси".
16.00 "Фермер".
16.30 "Ихтиро".
16.55 "TV анонс".
17.00 Миллий сериал. "Ўзи уйланмаган совчи".
17.30 "Очиқ дарс".
17.55 "Кун нафаси".
18.00 "Менинг маҳаллам".
18.30 "Қадр топган қадриятлар".
19.00 Миллий сериал. "Жийда гули".
19.30 "TV анонс".
19.35 "Чироғи ёниқ уй".
20.00 "Халқ виждони". Ток-шоу.
20.50 "Кун нафаси".
21.00 Миллий кино. "Зарб".
22.25 "TV анонс".
22.30 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 25 йиллиги-га. "Осуда ҳаёт".
23.00 "Кун нафаси".
23.10 "Маҳалламиз Зулфиялари".
23.35 "Обод маҳалланинг бахтли оиласи".
00.00 "Ватан мадҳи".
00.05 Миллий сериал. "Кўнгил кўчалари".
00.35 "Нуроний фасл".
01.00 Миллий кино. "Ўкинч".
02.05 "Бизнес ва тараққиёт".
02.40 "Маҳаллам ҳақида".
03.00 Миллий сериал. "Ҳаёт жилғалари".
03.35 "Меҳр қолур". Ток-шоу.
04.25 "Хатарли қармоқ".
05.00 Миллий сериал. "Ўзи уйланмаган совчи".
05.35 – 06.00 "Идрок харитаси".

### Болажон

07.00 "Салом, болажон!"
07.10 "Болажон гимнастикаси".
07.20 "Кун тартиби".
07.30 "Мультипанорама".
08.30 "Миттивойлар мусобақаси".
08.50 "Мультипанорама".
10.00 "Қувноқ алифбо".
10.30 "Эртаклар оламида".
12.40 "ABC-kids".
13.10 "Мультипанорама".
14.40 "Катта танаффус".
15.00 "Мультипанорама".
16.10 "Bravo English!"
16.30 "Болалар учун фильм".
17.50 "Саргузаштлар ороли".
18.10 "Мультипанорама".
19.30 "Табиатга саёҳат".
20.00 "Китоблар мамлакатида".
20.20 "Мультипанорама".
21.50 – 22.00 "Хайрли тун".

### Кинотеатр

06.00 "Юрт мадҳи".
06.05 "Сиздан ўгина, биздан бугина". Б/ф.
07.30 Миллий кино. "Етти ҳайкал, битта кал". Б/ф.
08.50 Оилавий экран. "Азизим Френк". Б/ф.
10.35 Саргузашт фильмлар экрани. "Ниқобдаги Зорро". Б/ф. 1-қисм.
11.45 "Ниқобдаги Зорро". Б/ф. 2-қисм.
13.00 Кундузги сериал. "Бардош".
14.05 "Ғурур ва кибр". Б/ф.
16.00 Болалар экрани. "Қора тулпор". Б/ф.
17.25 "Кавказская пленница". Ҳ/ф.
19.00 "Қор алангаси". Т/с. 1-қисм.
19.50 Миллий кино. "Учар қиз". Б/ф.
21.30 "Ҳафта юлдузи". Жухи Чавла.
21.45 Болливуд туҳфаси. "Муҳаббатнинг мангу қўшиғи". 1-қисм.
22.55 "Муҳаббатнинг мангу қўшиғи". 2-қисм.
00.00 "Юрт мадҳи".
00.05 "Если я останусь". Ҳ/ф.
01.45 "Ҳаммаси яхши". Б/ф.
03.15 "Ҳаёт қадри". Б/ф.
04.55 – 06.00 Миллий кино. "Қор қўйнида лола".

## СЕШАНБА, 27

### Ўзбекистон

05.55 Кўрсатувлар дастури.
06.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
07.00 Миллий сериал: "Фидойилар".
07.30 "Кўриқхонанинг тўрт фасли". Ҳ/ф.
08.00 "Ахборот".
08.40 "Об-ҳаво мўъжизалари". Ҳ/ф.
09.10 "Суҳбатдош".
09.30 "Қайнона ва келин". Т/с.
10.05 Анонс.
10.15 "Ойдин ҳаёт". Ток-шоу.
11.00 "Ахборот".
11.10 "Кўнгил ободлиги".
11.40 "Менинг ҳуқуқим".
11.50 Анонс.
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
13.00 "Ўн дақиқа: труба". Б/ф.
13.45 "Анонс".
14.00 Ахборот.
14.15 "Устурлоб".
14.35 "Таҳлил-25".
15.05 "Анонс".
15.15 "Муносабат". Ток-шоу.
16.00 "Тезкор хабарлар".
16.10 "Тараққиёт таянчи".
16.30 "Ахборот" /инглиз/.
16.40 "Қорачиқ".
17.00 "Ахборот".
17.10 "Ҳаёт". Ҳ/ф.
18.00 "2016 йил – Соғлом она ва бола йили". "Нурли ришталар".
18.20 "Агроолам".
18.40 "Монк". Т/с.
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" /рус/.
20.05 "Қайнона ва келин". Т/с.
21.00 "Ахборот".
21.40 "Бизнес-старт".
22.05 – 23.40 "Мехрибон мураббий". Б/ф.
23.40 "Ҳаётдаги мен".
00.10 "Агроолам".
00.30 Миллий сериал: "Фидойилар".
01.00 "Ахборот" /рус/.
01.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
02.30 "Ойдин ҳаёт". Ток-шоу.
03.15 "Кунларнинг бирида".
03.30 "Нурли ришталар".
03.50 "Диёрим табиати". Ҳ/ф.
04.00 "Ахборот".
04.40 Миллий сериал: "Имтиҳон".
05.10 "Қорачиқ".
05.30 – 05.55 "Бизнес-старт".

### Ёшлар

06.00 "Ватан меҳри".
06.10 "Қимматга тушган ҳузур-ҳаловат". Б/ф.
07.30 "Афсона ва ҳақиқат".
08.10 "Масхарабоз". Б/ф.
09.30 "Сеҳрли қўллар".
09.50 "UzEX".
10.00 "Давр".
10.10 "Келин". Т/с.
11.00 "Устоз ҳақида сўз".
11.10 "Оналар мактаби".
11.50 "Томчида куёш".
12.00 "Сарой табиби". Т/с.
12.50 "UzEX".
13.00 "Давр".
13.10 "Мўъжизавий дунё".
14.10 "Сеҳргарлар". Т/с.
15.30 "Юрт келажаги".
15.50 "Устозга таъзим".
16.00 "Давр".
16.10 "Бир қадам". Т/с.
16.50 "Соғлом ҳаёт".
17.10 "Давр мавзуси".
17.30 "Канизак Изаура". Т/с.
18.50 "UzEX".
19.00 "Давр".
19.30 "Келин". Т/с.
20.10 "Телетуҳфа".
20.20 "Сўқирлар". Т/с.
21.00 "Устозлик бахти".
21.10 "Сарой табиби". Т/с.
22.00 "Давр".
22.30 "Оқшом эртаги". Б/ф.
00.10 "Афсона ва ҳақиқат".
02.30 "Ватанпарвар".
03.10 "Биз киммиз?"
03.30 "Инсон психологияси".
04.30 "Мўъжизавий дунё".
05.30 – 06.00 "Давр".

### Тошкент

05.55 "Ягонасан, муқаддас Ватаним!"
06.00, 07.00, 08.00, 09.00, 10.00, 11.00, 12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 20.00, 22.00, 02.00 "Poytaxt".
06.15 Миллий сериал: "Бедор туйғулар".
06.55 "Тошкент вақти".
09.10 "Соҳилдаги муҳаббат". Т/с.
09.50 "Poytaxt-sport".
10.15 "Интиқом". Т/с.
11.15 "Тошкентнома".
11.35 "Соғлом келажак". Ҳ/ф.
12.15 Миллий сериал: "Бедор туйғулар".
13.15 "Кинотақдим".
13.40 "Профессионал".
14.10 "Тошкент вақти".
16.10 "Муҳаббат қиссалари: Қалбим ардоғи". Т/с.
16.50 "Poytaxt-sport".
17.15 "Кўзгудаги биз".
17.50 "Ишга марҳамат!"
18.20 "Обод хонадон".
18.50 "Poytaxt-Hi-tech".
19.00 "Телемаркет".
19.15 "Соҳилдаги муҳаббат". Т/с. /Премьера/.
20.20 "Муҳаббат қиссалари: Қалбим ардоғи". Т/с. /Премьера/.

10.00 Теннис. "Тошкент опен" турнири. Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
12.00 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
12.05 "Техноспорт".
12.20 Теннис. "Тошкент опен" турнири. Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
14.30 Хабарлар (ўзб).
14.50 Дзюдо. Гран-при турнири.
15.50 Футбол. Осиё чемпионати-U 16. Чорак финал.
17.40 Ифтихоримсан, спорт!
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Камолот спорт".
18.30 Хабарлар (рус).
18.45 Футбол. Осиё чемпионати-U 16. Чорак финал.
20.25 "Спорт- маркет".
20.30 Хабарлар (ўзб).
20.55 Дзюдо. Гран-при турнири.

### Спорт

06.00 Мадҳия.
06.05 Кўрсатувлар тартиби.
06.10 "Соғломжон-полвонжон".
06.30 "Болалар спорти".
07.00 "Sport-online".
08.00 Хабарлар.
08.10 Хоккей. Жаҳон Кубоги.
09.40 "Эътироф".

### Маҳалла

06.00 "Ватан мадҳи".
06.05 Миллий сериал. "Кўнгил кўчалари".
06.35 "Маҳалламиз Зулфиялари".
06.55 Миллий кино. "Ғумроҳлар".
08.30 "Кун нафаси".
08.40 "Чироғи ёниқ уй".
09.05 Миллий сериал. "Жийда гули".
9.35 "Қадр топган қадриятлар".
10.05 "Халқ виждони". Ток-шоу.
11.00 "Менинг маҳаллам".
11.30 "TV анонс".
11.35 "Очиқ дарс".
12.05 "Қайнона бисотидан".
12.30 "Теран илдизлар".
12.55 "Кун нафаси".
13.00 Миллий кино. "Қаҳрдор".
14.10 "Маҳалламиз спортчилари".
15.00 Миллий сериал. "Ҳаёт жилғалари".
15.30 "Турфа маслаҳат".
15.55 "Кун нафаси".
16.00 "Эзгу сўз, эзгу амал". Ток-шоу.
16.40 "Мўъжаз Ватан".
17.00 Миллий сериал. "Ўзи уйланмаган совчи".
17.30 "Маҳалламиз болалари".
17.55 "Кун нафаси".
18.00 "Табаррук анъана".
18.30 "Ноёб институт".
19.00 Миллий сериал. "Жийда гули".
19.30 "TV анонс".
19.35 "Маҳалламиз Зулфиялари".
20.00 "Биламизку, аммо".
20.25 "Обод маҳалланинг бахтли оиласи".
20.50 "Кун нафаси".
21.00 Миллий кино. "Гумроҳлар".
22.35 "Табиат шифохонаси".
23.00 "Кун нафаси".
23.10 "Ён кўшним – жон кўшним".
23.35 "Соғлом турмуш".
00.00 "Ватан мадҳи".
00.05 Миллий сериал. "Кўнгил кўчалари".
00.35 "Мисли гавҳар".
01.00 Миллий кино. "Қаҳрдор".
02.15 "Кўнгилдаги гаплар". Ток-шоу.
03.00 Миллий сериал. "Ҳаёт жилғалари".
03.35 "Истеъдод".
04.00 "Ноёб институт".
04.30 "Ихтиро".
05.00 Миллий сериал. "Ўзи уйланмаган совчи".
05.35 – 06.00 "Фермер".

### Болажон

07.00 "Салом, болажон!"
07.10 "Болажон гимнастикаси".
07.20 "Миттивойлар мусобақаси".
07.30 "Мультипанорама".
08.30 "Топағон болажон".
08.50 "Мультипанорама".
10.00 "ABC-kids".
10.20 "English World".
10.30 "Эртаклар оламида".
12.00 "Табиатга саёҳат".
12.30 "Ширинтой-кичкинтойлар".
12.40 "Қувноқ алифбо".
13.10 "Мультипанорама".
14.40 "Китоблар мамлакатида".
15.00 "Мультипанорама".
16.10 "Боғбон болажон".
16.30 "Болалар учун фильм".
17.50 "Болажон орзуси".
18.10 "Мультипанорама".
19.30 "Саргузаштлар ороли".
20.00 "Соғлом болажон".
20.20 "Мультипанорама".
21.50 – 22.00 "Хайрли тун".

### Кинотеатр

06.00 "Юрт мадҳи".
06.05 "Сиздан ўгина, биздан бугина". Б/ф.
07.30 Миллий кино. "Ойдин ҳаёт". Ток-шоу.
08.50 Оилавий экран. "Ўғрикнома шарт эмас". Б/ф.
10.45 Саргузашт фильмлар экрани. "Экипаж". 1-қисм.
11.55 "Экипаж". Б/ф. 2-қисм.
13.05 Кундузги сериал. "Бардош".
14.10 "Самба". Б/ф.
15.55 Болалар экрани. "Бадданинг янги дўсти".
17.20 Мировое кино. "Да здравствует Цезарь!" Ҳ/ф. Премьера.
19.05 "Қор алангаси". Т/с.
20.00 Миллий кино. "Пойқадам".
21.30 Жаҳон киноси. "Юзсиз". 1-қисм.
22.40 "Юзсиз". 2-қисм.
23.50 Мўъжаз фильм. "Оқ йўл".
00.00 "Юрт мадҳи".
00.05 "Замерзшая из Майами". Ҳ/ф.
01.35 "Хадсакер раҳбари". Б/ф.
03.20 "Ямбуй ажинаси". Б/ф.
04.50 – 06.00 Миллий кино. "Забаржад". Б/ф.

## ЧОРШАНБА, 28

### Ўзбекистон

05.55 Кўрсатувлар дастури.
06.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
07.00 Миллий сериал: "Фидойилар".
07.30 "Ҳикмат".
08.00 "Ахборот".
08.40 "Об-ҳаво мўъжизалари". Ҳ/ф.
09.10 "Қорачиқ".
09.30 "Қайнона ва келин". Т/с.
10.05 Анонс.
10.10 "Тараққиёт таянчи".
10.30 "Баркамол авлод".
11.00 "Ахборот".
11.10 "Мўъжизалар макони".
11.40 "Қишлоқ ҳаёти".
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
13.00 "Билимдон". Интеллектуал танлов.
14.00 "Ахборот".
14.15 "Имконият".
14.35 "Фикр. uz".
14.55 "Биз учун муҳим". Ток-шоу.
15.40 Анонс.
15.55 "Агроолам".
16.15 "Ўзингни англа". Ток-шоу.
17.00 "Ахборот".
17.10 "Ҳаёт". Ҳ/ф.
18.00 "Парламент ҳаёти".
18.20 "Менинг боғим".
18.40 "Монк". Т/с.
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" /рус/.
20.05 Марказий сайлов комиссияси хабарлари (ўзб).
20.15 "Қайнона ва келин". Т/с.
21.00 "Ахборот".
21.40 "Таҳлил-25".
22.10 – 00.10 "Асов дарё". Б/ф.
00.10 "Менинг боғим".
00.30 Миллий сериал: "Фидойилар".
01.00 "Ахборот" /рус/.
01.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
02.30 "Бегона баҳор". Б/ф. 1-қисм.
03.30 "Таҳлил-25".
04.00 "Ахборот".
04.40 Миллий сериал: "Имтиҳон".
05.10 – 05.55 "Узингни англа". Ток-шоу.

### Ёшлар

06.00 "Ватан меҳри".
06.10 "Катта оила". Б/ф.
07.30 "Афсона ва ҳақиқат".
08.10 "Танка". Б/ф.
09.30 "Қулол ва гўзал".
09.50 "UzEX".
10.00 "Давр".
10.10 "Келин". Т/с.
11.00 "Устозга таъзим".
11.10 "Нуқтаи назар".
11.50 "Устоз ҳақида сўз".
12.00 "Сарой табиби". Т/с.
12.50 "UzEX".
13.00 "Давр".
13.10 "Мўъжизавий дунё".
14.10 "Сеҳргарлар". Т/с.
15.30 "Юрт келажаги".
15.50 "Устозга таъзим".
16.00 "Давр".
16.10 "Бир қадам". Т/с.
16.50 "Қорақалпоқ ёшлари".
17.10 "Автопатруль".
17.30 "Канизак Изаура". Т/с.
18.50 "UzEX".
19.00 "Давр".
19.30 "Келин". Т/с.
20.10 "Телетуҳфа".
20.20 "Сўқирлар". Т/с.
21.00 "Устозга таъзим".
21.10 "Сарой табиби". Т/с.
22.00 "Давр".
22.30 "Кинг-Конг". Б/ф.
01.20 "Афсона ва ҳақиқат".
02.40 "Шарқ гавҳари".
03.10 "Сеҳрли қўллар".
03.30 "Инсон психологияси".
04.30 "Мўъжизавий дунё".
05.30 – 06.00 "Давр".

### Тошкент

05.55 "Ягонасан, муқаддас Ватаним!"
06.00, 07.00, 08.00, 09.00, 10.00, 11.00, 12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 20.00, 22.00, 02.00 "Poytaxt".
06.15 Миллий сериал: "Бедор туйғулар".
06.55 "Тошкент вақти".
09.10 "Соҳилдаги муҳаббат". Т/с.
09.50 "Poytaxt-sport".
10.15 "Интиқом". Т/с.
11.15 "Тошкентнома".
11.35 "Обод хонадон".
12.15 Миллий сериал: "Бедор туйғулар".
13.15 "Кўзгудаги биз".
14.10 "Тошкент вақти".
16.10 "Муҳаббат қиссалари: Қалбим ардоғи". Т/с.
16.50 "Poytaxt-sport".
17.15 "Телетаҳлил".
17.50 "Ишга марҳамат!"
18.20 "Соломат бўлинг!" тележурнали.
19.00 "Телемаркет".
19.15 "Соҳилдаги муҳаббат". Т/с. /Премьера/.
20.20 "Муҳаббат қиссалари: Қалбим ардоғи". Т/с. /Премьера/.

11.00 Теннис. "Тошкент опен" турнири. Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
12.30 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
12.35 "Техноспорт".
12.50 Теннис. "Тошкент опен" турнири. Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
15.00 Хабарлар (ўзб)
15.20 От спорти. Халқаро турнир.
16.25 Футзал. Жаҳон чемпионати. 1/2 финал.
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Хабарлар (рус).
18.25 Футбол. Олий лига. "Пахтакор" – "Локомотив". Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
20.25 "Спорт- маркет".
20.30 Хабарлар (ўзб)
20.55 "Спортчи қизлар – Ўзбекистон ифтихори".
21.35 Дзюдо. Гран-при турнири.

### Спорт

06.30 Мадҳия.
06.35 Кўрсатувлар тартиби.
06.40 "Ифтихоримсан, спорт!"
07.00 "Sport-online".
08.00 Хабарлар.
08.15 Хоккей. Жаҳон Кубоги.
09.55 Дзюдо. Гран-при турнири.

### Маҳалла

06.00 "Ватан мадҳи".
06.05 Миллий сериал. "Кўнгил кўчалари".
06.35 "Маҳаллам ҳақида".
06.55 Миллий кино. "Ғумроҳлар".
08.30 "Кун нафаси".
08.40 "Очиқ дарс".
09.05 Миллий сериал. "Жийда гули".
09.35 "TV анонс".
09.40 "Ноёб институт".
10.10 "Табиат шифохонаси".
10.40 "Обод маҳалланинг бахтли оиласи".
11.05 "Биламизку, аммо".
11.35 "Табаррук анъана".
12.00 "Маҳалламиз болалари".
12.30 "Маҳалламиз Зулфиялари".
12.55 "Кун нафаси".
13.00 Миллий кино. "Туйғуларим манзили".
14.10 "Халқ виждони". Ток-шоу.
15.00 Миллий сериал. "Ҳаёт жилғалари".
15.30 "Чироғи ёниқ уй".
15.55 "Кун нафаси".
16.00 "Қадр топган қадриятлар".
16.30 "Осуда ҳаёт".
17.00 Миллий сериал. "Ўзи уйланмаган совчи".
17.30 "TV анонс".
17.35 "Тарбиянинг олтин қоидаси".
17.55 "Кун нафаси".
18.00 "Обод юрт одамлари".
18.30 "Эҳтиёж формуласи".
19.00 Миллий сериал. "Жийда гули".
19.35 "Соғлом турмуш".
19.55 "TV анонс".
20.00 "Ён кўшним – жон кўшним".
20.25 "Қишлоқ кўйнидаги бахт".
20.50 "Кун нафаси".
21.00 Миллий кино. "Аёл макри".
22.35 "Қайнона бисотидан".
23.00 "Кун нафаси".
23.10 "Кариси бор уй".
23.35 "Етти хазина".
00.00 "Ватан мадҳи".
00.05 Миллий сериал. "Кўнгил кўчалари".
00.35 "Мўъжаз Ватан".
01.00 Миллий кино. "Туйғуларим манзили".
02.15 "Эзгу сўз, эзгу амал". Ток-шоу.
03.00 Миллий сериал. "Ҳаёт жилғалари".
03.35 "Теран илдизлар".
04.05 "Маҳалламиз маликаси".
05.00 Миллий сериал. "Ўзи уйланмаган совчи".
05.35 – 06.00 "Йўлга чиқдик".

### Болажон

07.00 "Салом, болажон!"
07.10 "Болажон гимнастикаси".
07.20 "Кун тартиби".
07.30 "Мультипанорама".
08.30 "Миттивойлар мусобақаси".
08.50 "Мультипанорама".
10.00 "Қувноқ алифбо".
10.30 "Эртаклар оламида".
12.20 "Катта танаффус".
12.40 "ABC-kids".
13.00 "Электрон дунё".
13.10 "Мультипанорама".
14.40 "Рассом болажон".
14.50 "Бола бошидан".
15.00 "Мультипанорама".
16.10 "Bravo English!"
16.30 "Болалар учун фильм".
17.50 "Саргузаштлар ороли".
18.10 "Мультипанорама".
19.30 "Табиатга саёҳат".
19.50 "Китоблар мамлакатида".
20.20 "Мультипанорама".
21.50 – 22.00 "Хайрли тун".

### Кинотеатр

06.00 "Юрт мадҳи".
06.05 "Чақирилмаган меҳмонлар". Б/ф.
07.30 Миллий кино. "Пойқадам".
08.55 Оилавий экран. "Тўлқинларни жиловлаб".
10.50 Саргузашт фильмлар экрани. "Чемпионлар". 1-қисм.
11.55 "Чемпионлар". Б/ф. 2-қисм.
13.00 Кундузги сериал. "Бардош".
14.05 "Энаганинг кундалиги". Б/ф.
15.45 Болалар экрани. "Ғарб томон".
17.20 Мировое кино. "Маленькие дикари". Ҳ/ф. Премьера.
19.00 "Қор алангаси". Т/с.
19.55 Миллий кино. "Баракасини берсин".
21.20 Болливуд туҳфаси. "Жаннат". Б/ф. 1-қисм.
22.35 "Жаннат". Б/ф. 2-қисм.
00.00 "Юрт мадҳи".
00.05 "Осень в Нью-Йорке". Ҳ/ф.
01.45 "Сўнгги романс". Б/ф.
03.50 "Катта дарёда". Б/ф.
04.55–06.00 Миллий кино. "Сукунат".

(Давоми келгуси сонда)


## ОБОД ШАҲРИМ — ОЗОДА ШАҲРИМ

**ҳар шанба ва якшанба — тозалик куни**

***ҲУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!***

Шаҳримизнинг янада кўркам бўлиши, кўчаларимизнинг ораста-лиги, маҳаллаларимизнинг озода ва ободлигига ҳисса қўшиш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиз эканлигини унутмайлик, тозалик ва ободонлаштириш ишларида фаол бўлайлик!

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**"Ko`chmas Mulk Menejment Konsalting" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

Фуқаролик ишлар бўйича Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур туманлараро судининг 2015 йил 17 ноябрдаги 1-4854/15-сонли ижро варақасига асосан Олмазор туман суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган "Platina Leasing" МЧЖга қарашли Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳар, Мустақиллик кўчаси, 4-уй манзилида жойлашган умумий майдони 605,80 кв.метр, фойдали майдони 58,20 кв.метр бўлган 9 та хонадан иборат бино қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 450 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2016 йил 27 октябрь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Буюк Турон кўчаси, 41-уй Савдо ташкилотчисининг аукцион залида бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2016 йил 25 октябрь куни соат 18.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдоси ғолиби савдо ўтган кундан бошлаб 5 (беш) банк куни ичида мулк учун тўловларни амалга ошириши лозим. Кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиши мумкин.

**Талабгорлар диққатига!**

Юридик шахслар учун – давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, тўлиқ ваколатли вакилининг қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома тақдим қилиши лозим.

Жисмоний шахслар учун – паспорт нусхаси, тўлиқ ваколатли вакилининг қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома тақдим қилиши лозим.

Аукцион савдосига қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорида закалат пулини "Ko`chmas Mulk Menejment Konsalting" масъулияти чекланган жамиятининг АТБ "Капитал банк" Бухоро филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000100396752001, МФО: 01082, ИНН: 303068015, ХХТУТ: 83200.

Буюртманомалар қабул қилинадиган манзил: **Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.**

Тел: (+99894) 548-70-20, (+99890) 635-75-61, E-mail: kmmk.realtor@gmail.com, веб-сайт: www.kmmk.uz

**Лицензия** RR 0213

**"REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

2016 йил 25 октябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан Тошкент вилояти Ҳўжалик судининг 13.03.2016 йилдаги №11-1504/12373-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган Тошкент шаҳри, Сергели тумани, С.Олимов кўчаси, 102-уйда жойлашган умумий майдони 10 883 кв.м., шундан умумий бино иншоотлари майдони 1681 кв.м., бошланғич баҳоси: 3 190 039 116 сўм бўлган ишлаб чиқариш учун мўлжалланган база қўйилмоқда.

Аукцион савдолари Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй манзилида бўлиб ўтади. Юқоридаги кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 16.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар мулкнинг бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – "REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖнинг ХАТБ "Universal bank" Тошкент шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шар